

## Тошкент давлат аграр университетида 2022/2023 ўқув йили қабули бўйича МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги “Давлат олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-279-сонли қарори ҳамда “2022/2023 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги Ф-60–сонли Фармойишига асосан Тошкент давлат аграр университетига 2022/2023 ўқув йили учун жами давлат гранти асосида **1064** та қабул квотаси ажратилди (ш.ж. **38** та бакалавриат таълим йўналишлари бўйича **748** та, **37** та магистратура мутахассисликлари бўйича **316** та.).

Ўтган ўқув йилига нисбатан давлат гранти асосида қабул кўрсаткичлари **53,5%** га ёки **371** та кўп ажратилди.

**2022/2023 ўқув йилидан университетда янгидан 6** та бакалавриат таълим йўналишлари (Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш, Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича), Юриспруденция (қишлоқ хўжалиги ҳукуқи), Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича), Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича), Қишлоқ хўжалигига инновацион техника ва технологияларни қўллаш) ҳамда **2** та магистратура мутахассисликлари (Гулчилик, Биоиқтисодиёт) бўйича кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади.

**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-61-сонли қарорига асосан Тошкент давлат аграр университетига молиявий мустакиллик берилганлиги сабабли Кузатув кенгашининг қарори асосида таълим йўналишлари, мутахассисликлар ҳамда ихтисосликлар бўйича тўлов-контракт асосида ўқишига қабул параметрларини белгилаш ваколати берилган.

Тошкент давлат аграр университетининг Кузатув кегаши томонидан 2022/2023 ўқув йили учун тўлов-контракт асосида қабул параметрлари тасдиқланди. Жумладан, **40** та бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кундузги таълим шаклида **2110** та, **28** та сиртқи таълим йўналишлари бўйича **975** та, **6** та магистратура мутахассисликлари бўйича **42** та қабул квотасини ажратиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Асосий кадрлар истеъмолчиларини таклифлари ҳамда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидан келиб **2** та бакалавриат таълим йўналишлари (**Паррандачилик, Сув биоресурслари ва аквакультура**) бўйича фақат тўлов-контракт асосида қабул квоталари ажратилди.

Университетга 2022/2023 ўқув йили учун жами **4191** та қабул квотаси ажратилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган ўқув йилига (2708 та) нисбатан **1483** тага ёки **54,8%** га ошган.

№	Таълим босқичлари	Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари сони	Қабул квотаси		
			Жами	грант	контракт
	Ҳаммаси		4191	1064	3127
1	Бакалавриат	40	3833	748	3085
Ш.ж.	кундузги	40	2858	748	2110
	сиртқи	28	975		975
2	Магистратура	37	358	316	42

## **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:**

а) ўрта маҳсус ва профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тасарруфида ушбу таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг таклифи асосида Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади;

давлат олий таълим муассасалари магистратурасига қабул абитуриентнинг бакалавриат диплом бали ўртacha кўрсаткичи ҳамда хорижий тилни билиш даражаси бўйича тегишли миллий ёки ҳалқаро сертификат бали асосида, баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади ҳамда қўшимча имтиҳон ўтказилмайди;

б) давлат олий таълим муассасалари магистратурасига қабул бир йилда **икки марта — август ва январь ойларида** ташкил этилади. Бунда:

**август ойидаги қабул** — навбатдаги ўқув йили учун тасдиқланган давлат гранти ва тўлов-контракт асосидаги ҳамда молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларининг кузатув кенгашлари томонидан тасдиқланган тўлов-контракт асосидаги қабул параметрларига мувофиқ;

**январь ойидаги қабул** — дастлабки қабул натижаларига кўра тўлмаган ўринлар ҳамда Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган қўшимча тўлов-контракт асосидаги қабул параметрларига мувофиқ амалга оширилади;

в) давлат олий таълим муассасалари магистратурасига қўшимча қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилинган абитуриентларнинг тўлов-контракт суммаси бир талабага тўғри келадиган реал харажатлардан келиб чиқиб, **олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгиланади**;

г) **табақалаштирилган тўлов-контракт миқдори** Давлат комиссияси томонидан белгиланган суммадан кам бўлмаган миқдорда олий таълим муассасалари томонидан **мустақил белгиланади**;

д) қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ олий таълим муассасаларига имтиҳонларсиз давлат гранти асосида ўқишга кириш бўйича имтиёзга эга бўлган шахслар умумий қабул параметрларидан ташқари қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади;

е) давлат олий таълим муассасаларига бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда **чет эл фуқаросини тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини тегишли таълим йўналиши ва мутахассислик учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан белгиланган базавий тўлов-контракт миқдоридан кам бўлмаган миқдорда белгилаш ҳукуқи берилади**. Бунда, чет эл фуқароси олий таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган сұхбат натижасига кўра ўқишга қабул қилинади;

ж) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб:

давлат олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари фақат давлат гранти бўйича тасдиқланади;

давлат олий таълим муассасаларига (молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасалари бундан мустасно) тўлов-контракт асосидаги қабул параметрлари **бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик** (идора) томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади ҳамда ҳар йили 20 июнга қадар Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

олий таълим муассасалари бакалавриат таълим йўналишларига мос келувчи имтиҳон фанлари мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда имтиҳон синовлари бошланишидан камида 6 ой олдин эълон қилинади.

Университетга 2022-2023 ўқув йили қабули учун абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини қизиқтирган саволларга жавоб бериш мақсадида жами **5** та телефон рақами ўрнатилган. Бундан ташқари кунлик маълумотларни етказиш ва университет ҳақида янгиликларни ёритиб бориш ҳамда абитуриентларни университетга жалб қилиш мақсадида ижтимоий тармоқларда, хусусан;

[www.facebook.com/tashdau](https://www.facebook.com/tashdau); [www.t.me/tdau\\_news](https://www.t.me/tdau_news) ёки @tdau\_news; [www.instagram.com/tashdau](https://www.instagram.com/tashdau); ва [www.tdau.uz](http://www.tdau.uz) каби ижтимоий тармоқларда 2022-2023 ўқув йили қабули бўйича янгиликлар ҳамда турли тарғибот материалларини бериб борилиши кўзда тутилган.